

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ

MINISTRY OF PHYSICAL CULTURE AND SPORT OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
UZBEK STATE UNIVERSITY OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT

**«ЗАМОНАВИЙ СПОРТДА МУАММО
ВА ЕЧИМЛАР»
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**
26-27 март, 2021 йил



**INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE
«PROBLEMS AND WAYS TO SOLVE THEM IN
MODERN SPORTS»
MARCH 26-27, 2021**

ЧИРЧИҚ-2021

olgan holda yondashish orqali yoshga xos ravishda tezkorlik, chaqqonlik, egiluvchanlik hamda yuqori kasbiy tayyorgarlikka erishish uchun xizmat qiladi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2020-2021 o‘quv yilida O‘zbekiston Respublikasining oliv ta’lim muassasalariga o‘qishga qabul qilishning davlat buyurtmasi parametrlari to‘g‘risida”gi qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora - tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5924-soni.
3. Salamov R.S. “Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati”. 1 tom. Darslik. ITA-PRESS. T. 2014 yil. 297 b.
4. Salamov R.S. “Sport mashg‘ulotlarining nazariy asoslari”. 2 tom. Darslik. ITA-PRESS. T. 2015 yil. 181 b.
5. Abdullayev A. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi. 2018 yil. 186 b.

ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАБ, СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

THE ROLE OF STUDENTS IN SELF-EDUCATION AND STRENGTHENING THEIR HEALTH IN THEIR COMPREHENSIVE PHYSICAL DEVELOPMENT

*Сайдов И.И., Турсунов М.Ш., Бухоро давлат университети
Ўзбекистон, Бухоро шаҳри*

Калит сўзлар: соғломлаштириш, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, ўз-ўзини жисмоний тарбиялаш, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси, дифференциал ёндашув, яхши ва тез ўзлаштирувчи ўқувчилар, секин ўзлаштирувчи ўқувчилар.

Keywords: health and fitness, pupils’ physical preparation levels, physical instruction which makes health and fitness, approaching differential, pupils who acquire well and fast, pupils who acquire slowly.

Шахсни у ёки бу жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган ижтимоий омиллар мажмуасида жисмоний тарбияга алоҳида ўрин ажратилади. Тарбиянинг умумий тизимида индивиднинг жисмоний ривожланишдаги миқдорий ва сифат ўлчовлари яхшиланишида айнан жисмоний тарбиянинг ҳиссаси катта. Айнан шу йўл билан индивидуал жисмоний сифатларга, мақсадга йўналтирилган жараён жиҳатлари етказилди. Тарбия масаласига замонавий ёндашиш орқали “жисмоний мукаммаллик” атамасини биз жисмоний тарбияга, соғлом турмуш тарзи, шахснинг жисмоний ҳаракатланишининг асоси бўлган эҳтиёж, деб тушунамиз.

Тарбия ва таълим шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаш шахсни ривожлантириш баробарида уни рақобатга бардошли, билими, малака ва кўникмаси билан жамиятда муносаб ўрин эгаллашга интилиш имконини беради. Шахснинг рақобатга бардошлилигини тавсифловчи сифатларнинг руҳий педагогик таҳлили орқали шахснинг юқори даражадаги рақобат бардошлилигини белгилаб берувчи бир нечта тизимни ишлаб чиқди: мақсаднинг аниқлиги, ишчанлик, ишга ижодий ёндашув, таваккал қилишга қодирлик, мустақиллик, стрессга бардошлилик, касбий парвозга интилиш. Буларнинг бари шахснинг жисмоний тарбия даражасининг ривожланганлиги, иккинчи томондан унинг соғлом турмуш тарзини кечиришига боғлиқ.

Жисмоний ўз-ўзини тарбиялаш бу аниқ мақсадга йўналтирилган, шахснинг онгли ва режага мувофиқ ўз соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўз устида ишлаши, жисмоний маҳоратнинг ошиши, ҳамма томонлама жисмоний ривожланганлик, профессионал фаолиятда

шахсий сифат ва муваффақиятларнинг мукаммаллигидир. Ўз-ўзини жисмоний тарбиялашнинг асосий мақсади жисмоний тарбиянинг маънавий, ижтимоий, моддий қийматларидан мустақил фойдалана олишни шакллантириш орқали жисмоний мукаммалликка эришиш мумкинлиги қайд этилган. Буни амалга ошириш учун қуидаги топшириқларни бажариш лозим:

- саломатликни таъминлаш, жисмоний ўз-ўзини тайёрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини кечиришга оид билимларни, кўникмаларни шакллантириш орқали ўзлаштириш ва жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланишга ўргатиш;

- организмнинг ривожланиш босқичларини инобатга олган ҳолда унинг жисмоний салоҳият ва ишчанлигини оширишда организмни табиий, самарали ривожлантиришга кўмаклашувчи форма ва функциялар;

- якка жисмоний риважланишни инобатга олган ҳолда спорт ўйинлари асосида ҳаракатланиш қобилиятини тарбиялаш;

- ҳаракатлантирувчи кўникма ва малакаларни, жисмоний ўз-ўзини камолга етказиш, ҳаёт учун мухим бўлган фаолиятда талаб этиладиган мустақил дарсларнинг кўникмаларини тарбиялашни шакллантириш.

Шахснинг тарбиялилиги унинг нафақат айтилган ишни вақтида бажариши билан белгиланади, балки маълум бир ишлардан ўзини тийиб туриши лозимлигини онгли англашида ҳам кўринади. Жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулоти жараёнлари ва мусобақаларда қатнашиш ўқувчилардан онгли равища топшириқлар, буйруқ, ўқитувчининг вазифасини бажаришни, тарбияли бўлишни, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Жисмоний машқларни бажариш маълум таҳлика ва жасорат кўrsатиш билан боғлиқ. Машқларни бажариш жараённада ўқувчи ташқи таъсиrlарга эътибор бермасликка ўрганади, ўзидағи ўз-ўзига ишонч кайфиятини кучайтириб, мардликни ривожлантиради. Ўз-ўзини жисмоний тарбиялаш жараённада қатъиятлилик ва жиддийлик каби шахс хислатлари ривожланади ва янада мустаҳкамланади. Бу нарса ўқувчиларнинг узоқ вақт мобайнида ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш йўлида онгли равища иш олиб боришлирида намоён бўлади.

Ўқувчининг феъл-атвори ишчанлик, қатъиятлилик каби сифати билан белгиланади. Мусобақалар вақтида жисмоний машқларни бажариш доимо кучли ҳаяжон билан ўтади: мусобақа олди ҳаяжони, рақиб билан беллашишдан олдинги хавотир, ғолиблик нашидаси, ютқазгандаги мағлубият алами ва бошқалар. Қаттиқ ҳаяжонни бошидан ўтказа туриб ўқувчилар турли вазиятларга тайёр туришни, ўз устидан назорат ўрнатишни, ўйлаб аниқ ҳаракатга киришишни ўрганадилар. Турли ноҳуш ҳолатлар, кучли ҳаяжонланишдан қутулиш учун педагог ўқувчиларга маълум маҳсус машқларни бажаришни таклиф этади. Бу машқлар ўз-ўзини тарбиялашга хизмат қила олади. Буларга қуидаги машқлар киради: аутоген машқлар бажариш, нафас олиш машқлари, ўз-ўзини массаж қилиш. Шу йўл билан ўқувчиларнинг ҳар томонлама ва тўлиқ ривожланиши унинг ўз устидага тинимсиз фаол иш олиб бориши, доимий равища ўзини тарбиялаши, жисмоний мукаммалликка эришиши орқали амалга ошади.

Ўз-ўзини тарбиялашга ўтишни иш, мулоқот, жисмоний тарбия дарсларидан ажralиб турадиган маҳсус фаолият, деб қараш керак эмас. Инсон ўзини жамиятнинг фойдали меҳнатида иштирок этиш орқали тарбиялайди. Агар ўқувчи спорт зали, ўйин майдончаси, спорт майдонига келса, эрталабки гимнастикани бажарса, у ўз-ўзини тарбиялашга киришган бўлади.

Олимлар ўз-ўзини тарбиялашнинг бир нечта турларини ишлаб чиқишиди:

- ўқувчиларнинг ўз ютуқ ва камчиликлари, ўз ҳаёт йўлларини англаб этишлари;
- ўзига нисбатан талабчанлик, ўзидан норозилик, энг яхши бўлишга интилиш;
- ўз олдига маълум бир мақсад ва вазифаларни қўя билиш ва уларга эришиш;
- мақсадга интилиш, катъий ишонч, тамойиллик, мустақиллик, фаоллик;

- олдига қўйилган мақсад ва вазифалар йўлида ҳеч нарсадан оғишмай режа асосида олдинга интилиш;
- ўз устида ишлаш йўллари ва услубларини билиш;
- ўзини бир нечта йўналишда камол топтиришга қаратилган аниқ фаолият.

Ўзини жисмоний тарбиялаш ўқувчи шахсининг ўз хатти-ҳаракатини баҳолай олишини шакллантириш учун етарли асосдир. Ўз-ўзини баҳолаш ўз фаолияти ва ҳаракатини ўзи назорат қилишнинг психологик механизми. У ўз мақсадлари, уларни амалга ошириш имконияти, мустақил фаолиятининг натижаларини баҳолаш муносабатларида намоён бўлади. Ўз имкониятларини тўғри баҳолай билиш, ҳақиқий ҳолат билан, ўзининг ҳаракатлари билан мутаносиб равишда таққослаш, эришган ютуқларини бўрттирмаслик ёки омадсизликка учраганда руҳан тушкунликка тушмаслик, яъни ўзини ҳар қандай ҳолатда назорат қилиш ўз-ўзини адекват баҳолаш деб аталади.

6-10 ёшли ўқувчиларда ўз-ўзига адекват баҳо бериш даражаси ўсиб бораверади. Бу даврда ўзлари учун муҳим бўлган кўрсаткичларнинг баҳосига қараб ўзларини паст баҳолайдилар. Бундай пасайиш бор ҳолатни келтириб чиқаради, яъни энди ўқувчилар кўрсаткичларини мустақил ҳаракатлари билан кўтаришга ҳаракат қиласидилар. Ташқи кўринишдаги ўзгаришлар, шунингдек, унда бир нечта сифатлар шаклланишига таъсир кўрсатади (масалан, ўзига ишонч, хушчақчаклик, одамохунлик). Юқори синфдаги қизларнинг ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичи пастлигининг сабаби ҳам эҳтимол шундандир. Ўзигаadolatli баҳо бермаслик ўсмирда ўз-ўзини тарбиялашда талайгина муаммоларни келтириб чиқаради. Ўзига юқори баҳо қўйган ўқувчилар ўз имкониятларини бўрттириб, ҳаддан ташқари ўзларига ишонидилар, бундайлар ўз-ўзини танқид қила олмайди, уларда эришган ютуқлари билан қониқишига мойиллик бўлади. Бундайларни ўз устида ишлашга ўргатиш, ўз камчиликларини тўғрилашни тушуниб етишларини англаш муҳимлигига кўндириш мушкул. Ўқувчиларнинг ўз устида ишлашини фаоллаштиришда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг меҳнати ниҳоятда муҳим.

Шундай экан, ўз-ўзини тарбиялашнинг самарали бўлишига эришиш учун ўқитувчидан турли-туман услублардан фойдаланиш талаб этилади. Ўзини тарбиялашда мавзуларга бўлинган ҳолда олиб борилган сухбатларнинг ўрни бекёёс. Ўқувчилар, табиийки, бу мавзуга катта қизиқиши билан қараб, унда фаол иштирок этадилар. Бу сухбатларни ўқувчилар орасида ҳурмат-эътибор қозонган педагог олиб борса, мақсадга мувофиқ. Сабаби ўқувчилар бундай сухбатлarda ўзларини эркин тутишлари, педагогга ишонишлари, самимий ҳолда у билан дардлашишлари керак.

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнининг барча босқичида ота-оналарнинг намуна бўлиши катта аҳамият касб этади. Ўз-ўзини тарбиялашга ўргатишда ўқувчиларни ўзаро бир-бирига таққосламаган маъқул. Имкон қадар уларнинг ҳар бири томонидан алоҳида қўлга киритилган ютуқларнинг аниқ даражасига таяниш лозим. Ҳар қандай ижобий натижага рағбатлантирилиб борилиши лозимлигини унутмаслик керак. Баҳолаганда уларнинг ҳозирги ишлари нуқтаи назаридан эмас, балки илгариги натижалари билан солиштирсан ҳолда уларнинг яхши томонга ўзгарганлиги билан муносабат билдириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби . Асарлар, 5-жилд. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997. -360 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси – Т. : Шарқ, 1999. – 8-30 бетлар.
- 3.Абдуллаева К.А, Сафарова Р.Ф. Бошланғич таълим концепцияси // “Бошланғич таълим” журнали, 1998. 6-сон. 12-18-б.
- 4.Абдуллаев А., Ханкельдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти: Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. – Т., 2018. 268-б.

- 5.Абдураҳмонов М., Махмудов А.Т. Жисмоний тарбия ва спорт. Спорт тиббиёти. – Т.: ИТА, 2018. – 84 б.
6. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд // Таржимон: Расулов А.Р. Қаюмов А.П. – Т.: Мухаррир, 2013. – 692 б.
- 7.Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш. – Т.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. – 204 б.
- 8.Кошбахтиев И.А. Валеология асослари. Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. – Т., 2005. – 252 бет.
- 9.Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Boshlang'ich ta'lim. "Ta'lim taraqqiyoti" jurnali. –Toshkent. 1999. 7 – maxsus son. – 71-135-betlar. Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va takomillashtirilgan o'quv dasturi. // "Boshlang'ich ta'lim" jurnali. –Toshkent. 2005. 5-son.

ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ **FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE IN THE MODERN EDUCATIONAL SPACE**

*Сайдов И.И., Бухарский государственный университет
Узбекистан, г. Бухара*

Ключевые слова: здоровье, здоровый образ жизни, двигательная активность, духовное и социальное совершенство, индивидуальное здоровье человека, физическая культура, соматический компонент, физический компонент, психический компонент, нравственный компонент.

Keywords: health, healthy lifestyle, movement activity, spiritual and social perfection, individual health of a person, Physical Culture, somatic component, physical component, psychic component, moral component.

Школьное образование в наши дни предъявляет большие требования к здоровью учащихся. Поэтому сейчас как никогда актуальны основы формирования здорового образа жизни в учебно-воспитательном процессе. Цель использования основных факторов формирования здорового образа жизни в процессе обучения – обеспечить школьнику возможность сохранения здоровья за период обучения в школе, сформировать у него необходимые знания [1,2].

Осуществление этой цели напрямую зависит от следующих факторов .приоритеты учебно – воспитательного процесса:

1. Организация рационального учебного процесса;
2. Рациональная организация двигательной активности учащихся;
3. Система работы по формированию ценности здоровья и здорового образа жизни.

Прежде чем рассматривать основы формирования здорового образа жизни, необходимо уточнить, какие элементы учебного процесса могут оказывать отрицательные воздействия на здоровье детей. Это в первую очередь: большое количество предметов в расписании; большой объем и сложность учебного материала; неадекватные методы обучения; стрессовые ситуации контроля; боязнь ошибки; боязнь отметок. Внимательный учитель всегда заметит внешние признаки усталости ученика. Сохранение здоровья ребенка начинается с организации всего учебно-воспитательного процесса. Так, влияние на здоровье школьников оказывают и многие внутри-школьные факторы [1,2,5]:

- снижение двигательной активности;
- увеличение простудных заболеваний и пропусков уроков по болезни;
- нарушение зрения, осанки; ухудшение нервно-психического здоровья;

<i>Юсупов М., Жабборов Х.</i> ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАР ТОМОНИДАН СИЛТАБ КҮТАРИШ МАШҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ТЕХНИКАСИНИ ЎҚИТИШ ИЗЧИЛЛИГИ САМАРАДОРЛИГИ	526
<i>Юсупов М.М., Норқулов З.Ч.</i> МАЛАКАЛИ ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАР МАШҒУЛОТИДА ҲАФТАЛИК МИКРОЦИКЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ	528
<i>Юсупов Н.М., Хурсанов Р.Ч.</i> 14-16 ЁШЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ЎЙИН ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИДА ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ТАВСИФЛАРИ	531
<i>Юсупова М.Ю.</i> БИРИНЧИ ТАҲСИЛ ЙИЛИДА ШУҒУЛАНУВЧИ ТАЛАБА ДЗЮДОЧИ ҚИЗЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	535
<i>Normurodov U.M.</i> KURASH USLUBINING BIOMECHANIK ASOSLARI	539
<i>Гончарова О.В.</i> СОВРЕМЕННЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СИСТЕМЕ МОНИТОРИНГА ЗА СИЛОВОЙ И СКОРОСТНО-СИЛОВОЙ ПОДГОТОВКОЙ СПОРТСМЕНОВ	540
<i>Qurbanov X.X.</i> O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILAR MASHG'ULOT VOSITALARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	544
<i>Qurbanov X.X.</i> O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILAR JISMONIY TAYYORGARLIGINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	547
<i>Qurbanov X.X., Shakarova M.I.</i> BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KASBIY TAYYORGARLIGIDA FITNESS VA AEROBIKANI QO'LLASH XUSUSIYATLARI	551
<i>Сайдов И.И., Турсунов М.Ш.</i> ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАБ, СОГЛИФИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ	553
<i>Сайдов И.И.</i> ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ	556
<i>Сулейманова С.Ф., Махмараимов Ж.Ж., Алмакаева Р.М.</i> РАЗРАБОТКА СПЕЦИАЛЬНЫХ УПРАЖНЕНИЙ НАПРАВЛЕННЫХ НА ОБУЧЕНИЕ ПОДАЧИ В ТЕННИСЕ ДЕТЕЙ	560
<i>Сулейманова С.Ф., Товстолес А.А., Алмакаева Р.М.</i> ПОСТРОЕНИЕ ТРЕНИРОВОЧНЫХ НАГРУЗОК НА ОСНОВЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ДИНАМИКИ ИЗМЕНЕНИЯ ЭНЕРГОЗАТРАТ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ И ВЕГЕТАТИВНОЙ СИСТЕМ В ПОДГОТОВКЕ ТЕННИСИСТОВ	563
<i>Yukhananov B.</i> FEATURES OF JUDGES TRAINING IN WRESTLING	567
<i>Джумақулов Х.Б.</i> СПОРТДА ДОПИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	568
<i>Сафарова М.Р.</i> ЎЗБЕК КУРАШИНИ ОММАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	571
<i>Galayev Q.K.</i> O'ZBEKİSTONDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT SOHASIDA İJTİMOIY HİMOYA VA MODDIY QO'LLAB-QUVVATLASH MASALALARI	574
<i>Хасанов А.Б.</i> ОЛИМПИЯ ЗАХИРЛАРИ КОЛЛЕЖЛАРИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	577
<i>Соибжонов О.ў.</i> ЁШЛАР БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА СПОРТ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ АҲАМИЯТИ	582
<i>Ахатов Л.К.</i> МУТАФАККИРЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ (АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ АСАРЛАРИ АСОСИДА)	583
<i>Бурхонов Б.Р.</i> САЁҲАТЛАРДАН ВА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРДАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА ФОЙДАЛАНИШ	588
<i>Маҳкамов И.</i> ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШДА ЭКОСАЁҲАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	589